

**Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳаларини комплекс
ривожлантириш ва прогноз қилишнинг имитацион модели**

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

“Менежмент” кафедраси

мустақил изланувчиси

Рахимов Анвар Норимович

Имитацион модель аналитик моделдан фарқли ўлароқ, ўрганилаётган объектнинг хатти-ҳаракати ва ички структурасигача кўрсатувчи ёйилган схемани билдиради. Моделда ифодаланувчи ҳодисаларни, уларнинг мантикий структурасини сақлаган ҳолда, вақт бўйича кетма-кетлигини, ўрганилаётган тизимнинг ўзгарувчилари ва параметрлари ўртасидаги алоқаларни сақлаган ҳолда қайта ишлаш имитацион модель учун характерлидир. Имитацион моделлар моделлаштирилаётган тизим ҳақида ахборот олиш ва қарорларни шакллантиришга оид баҳони ишлаб чиқиш учун мўлжалланган¹.


Имитацион модель ҳар хил воситалар ёрдамида берилиши мумкин. Бу воситалар функционал анализ элементларини ишлатиб, дифференциал ва интеграл тенгламалар тузишдан то ҳисоблаш алгоритми ва ЭХМ дастурларини ёзишгача бўлган босқичларни ўз ичига олади.

Ҳар бир босқич якуний натижага ўзига хос таъсир кўрсатади ва улардаги йўл қўйиладиган хатоликлар олдинги босқичлардаги хатоликлар билан ҳам белгиланади.

Имитацион моделни ҳисоблаш тажрибасининг умумий схемаси 1-расмда кўрсатилган.

Бунда дастлаб ўрганилаётган жараённинг моҳияти белгилари, ишлатилаётган кўрсаткичлари, эндоген ва экзоген параметрлар орқали ифода этилади. Кейин иқтисодий қонунлар асосида керакли имитация тенгламалар келтирилиб чиқарилади. Бошқариш параметрларини ўзгартириш орқали қанча натижалар олиш имконияти пайдо бўлади. Бу тенгламалар ўрганилаётган иқтисодий жараён, ҳодисаларнинг имитация моделидир.

¹Абдуллаев А.М., Ирматов М.М., Ҳайдаров М.Т., Ашурова Д.С., Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни прогнозлаштириш.:-Т.: ТДИУ, 2006. 159 б.



1-расм. Аҳолини турмуш шароитини ижтимоий ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари.²

Аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ҳудудларда ижтимоий жараёнларни ривожлантиришни моделлаштиришда автоматлаштирилган

² Муаллиф ишланмаси

ахборот базасини яратиш учун имитация кўрсаткичлари ҳамда бошқаришнинг тизимли моделлаштириш услублари қўл келади.³

Шуниси характерлики, статистик моделларни ишлаб чиқишда универсал тилларнинг исталган биридан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлса-да, амалиётда кўпинча ихтисослаштирилган тиллар ва дастурий воситалардан фойдаланишга устуворлик берилмоқда.

Универсал тиллардан фойдаланишга асосланган ёндашувлар афзалликларга эга бўлиши билан бирга, ўзига хос камчиликларга ҳам эга. Жумладан, улардан фойдаланиш кўп вақт ва харажатларни талаб этади⁴.

Айни вақтда, имитацияли моделлаштириш тизимига хос бўлган қатор афзалликларнинг мавжудлигини эътироф этиш жоиз. Улардан асосийлари қуйидагилардан иборат:

- ўрганишнинг осонлиги;
- модели ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг нисбатан камлиги;
- компиляторнинг ишончлилиги;
- моделлаштириш натижаларини йиғиш, қайта ишлаш ва тақдим этишнинг автоматлаштирилганлиги;
- дастурлашнинг универсал тилларида ёзилган модулларга уланиш мумкинлиги;
- дастурлашнинг қулайлиги.

Шу билан бирга, мазкур тизим ўзига хос камчиликларга эга эканлиги олимлар, мутахассислар томонидан эътироф этилган. Хусусан, унинг етарли даражада мослашувчан эмаслиги, кўпроқ статистик моделлаштиришнинг маълум тоифасига мансуб бўлган моделларнигина ишлаб чиқишга қўллаш мумкинлиги каби камчиликлар асослаб берилган⁵.

Хулоса қилиб айтганда, статистик моделлаштиришда имитация модели бошқа моделларга қараганда афзалликларга эга. Шу билан бирга, фермер хўжаликларининг иқтисодий ўсишини моделлаштиришда статистик моделлаштириш натижаларини таҳлил қилиш ва қайта ишлаш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, мазкур жараёнларда дастурий таъминотни тўғри танлаш, фермер хўжаликлари фаолиятига оид маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини таъминлаш улар фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини статистик моделлаштириш орқали тўғри баҳолашда муҳим ўрин тутди.

Биз аҳоли турмуш даражасини оширишнинг бошқарув тизими структурасини қуйидаги 4 та босқичга бўлдик:


³ Беркинов Б., Мухитдинов Х.С. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг ахборотлашган мулоқат тизими. //Интеллектуализация систем управления и обработки информации: Тез. докл. Меж.нар.науч.конф.8-9 сентябр 1994. –Т.:1994. 197 б.

⁴ Харин Ю.С., Малюгин В.И., Кирлица В.П. Основы имитационного и статистического моделирования. – Мн.: Дизайн ПРО, 1997. - С. 182.

⁵ Харин Ю.С., Малюгин В.И., Кирлица В.П. Основы имитационного и статистического моделирования. – Мн.: Дизайн ПРО, 1997. - С. 181-182.

1-босқич. Ижтимоий ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилади. Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасининг моддий аҳволи ва ҳудудлар ижтимоий ҳолатининг характерли белгилари ўрганилади. Бунда мавжуд меъёрлар, услубий кўрсатмалар, қўлланмалар ва мазкур иқтисодий жараёни режалаштириш ҳамда бошқариш амалиётидан фойдаланилади.

2-босқич. Тизимни шакллантириш бўлиб, ўрганилаётган жараёни тасвирлаш ва тегишли имитацион моделни ишлаб чиқиш учун кўрсаткичлар тизими ва таркибий тузилишининг схемаси танланди.



2-расм. Аҳоли турмуш даражасини оширишнинг бошқарув тизими структураси⁶

3-босқич. Бошқарув структураси тузилиши, дастлабки (бошланғич) имитацион моделни ишлаб чиқиш. Унинг хусусиятларини математик таҳлил методлари билан текшириш.

⁶ Муаллиф ишланмаси

4-босқич. Вариантлар бўйича ахборот таҳлил қилинади. Модель ШКнинг тегишли дастури билан реализация қилинди (2- расм).

Ахборот таъминоти тузилиши жиҳатидан кўп файлли бўлиб, ахборот базасини бошқариш тизимининг талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди. Хизматлар ҳажмини барча параметрлари билан бирга модель бўйича комплекс равишда ҳисоб қилишнинг итератив жараёни 2-расмдаги алгоритм блок схемада кўрсатилган. Алгоритм блок схемаси ечимларининг натижалари хизматлар билан таъминланганликнинг ўсиб боришини аниқлаб, уларнинг ҳажмларини белгилаб чиқишга имкон яратади.

Албатта, аниқроқ прогнозларни ишлаб чиқиш учун қаралаётган объектлар ҳақида тизимли маълумотлар базаси зарур бўлади. Шу боисдан блок схема кўп поғонали бўлиб, динамик бошқарув ва қарор қабул қилувчи тизим таркибида қўлланишга мўлжалланган. Унинг узвий қисмларидан бири-худуд бўйича олинган маълумотлар базасидир (1-расм).

Ресурслар чекланган бўлгани учун аҳолининг таъминланиши хусусида режалаштириладиган даражалар кўпинча меъёрий даражаларга етмай қолади. Буни шартли равишда қуйидагича белгилаймиз:

$$\sum_i^n M_i > \sum_i^n R_i \quad (1_a)$$

Агар меъёр кўрсаткичларининг қиймати билан режалаштирилаётган давр мобайнида энг кам даражага келтириш таъминланган бўлса, яъни


$$\sum_i^n M_i \leq \sum_i^n R_i \quad (1_b)$$

шартга асосан режа ечимлари оптимал бўлиб чиқади. Бу қондани қуйидаги формула шаклида ёзиш мумкин:

$$\sum_i^n (M_i - R_i) \longrightarrow \min \quad (1)$$

Бу ерда: $M_i - i$ турдаги ресурслар билан таъминланганликнинг меъёрлар кўрсатилган даражаси, R_i -режалаштирилаётган i турдаги ресурслар билан таъминланганликнинг режада кўрсатилаётган даражаси. Бу ифодадан кишлоқ аҳолиси турмуш шароитини ошириш учун ижтимоий ривожлантиришни оптималлаштириш мезони сифатида фойдаланамиз.

Худуддаги аҳоли турмуш шароитини мажмуий ривожлантиришнинг иқтисодий математик модели қуйидагича шакллантирилади: худуддаги аҳоли сони ва меҳнат ресурсларини билган ҳолда режалаштирилаётган даврда барча меъёрлар даражасига нисбатан таклифни қанчалик ўстириб бориш зарурлигини аниқлаб чиқиш керак.



3-расм. Аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажмини ҳисоблаш алгоритмининг блок-схемаси

Бу масала моҳиятини талқин қилиш учун функционал кўринишда қуйидагича моделлаш белгиларини киритамиз:

$$Au_t = f_1(t); \quad (2)$$

$$A_t = f_2(Au_t); \quad (3)$$

$$QA_t = f_3(t); \quad (4)$$

$$QA^{mr}_t = f_4(QA_t); \quad (5)$$

$$A^{hq}_t = f^h_5(t), \quad h=1 \div n \quad (6)$$

Бу ерда: A_t - t йилдаги вилоят аҳолиси сони, минг киши ;

QA_t - t йилдаги вилоят қишлоқ аҳолиси сони, минг киши;

Au_t - t йилдаги аҳоли сонининг ўсиши, минг киши;

QA^{mr}_t - t йилдаги меҳнат ресурслари, минг киши;

A^{hq}_t - t йилдаги вилоятнинг h -худудидаги қишлоқ аҳолисининг сони, минг киши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “...мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришдан иборат. ...инфратузилмани ривожлантириш кўп меҳнат талаб қилинадиган кенг кўламли соҳа ҳисобланади. Бу янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш имконини беради”⁷.

Ислохотларни амалга ошириш учун аҳолига хизмат кўрсатиш имкониятларини ошириш зарурияти пайдо бўлади. Бу ўринда пуллик ва маиший хизмат кўрсаткичларини моделлаштириш учун қуйидагича белгиларни киритамиз:

P_t - t вилоят бўйича аҳолига кўрсатилган пуллик хизмат, минг сўмда;

P_e^t - вилоят аҳолисига t йилда, e турдаги пуллик хизмат, минг сўмда;

P_i^t - t йилдаги i турдаги бошқа хизматлар ҳажми, минг сўмда;

P_t^D - t йилдаги вилоят аҳоли жон бошига пуллик хизмат, минг сўмда;

P_e^{eD} - t йилдаги вилоят аҳоли жон бошига e турдаги пуллик хизмат, сўмда;

M_t - t йилдаги жами маиший хизмат, минг сўмда;

M_t^i - t йилдаги i турдаги маиший хизмат, минг сўмда;

M_t^r - t йилдаги ишчилар сони, киши;

M_t^B - t йилдаги устахона ва маиший муассасалар сони, донда;

M_t^s - t йилдаги қишлоқ жойларда кўрсатилган маиший хизмат, минг сўмда;

M_t^{pv} - t йилдаги v ҳудуд бўйича кўрсатилаётган маиший хизмат, минг сўмда;

M_t^{SD} - t йилдаги қишлоқ жойларда жон бошига тўғри келадиган ўртача маиший хизмат, минг сўмда.

Белгилашлар асосида қуйидаги функционал боғланишларни ҳосил қиламиз:

$$P_t = f_1(A_t, t); \quad (7)$$

$$P^t = \sum_{e=1}^n P_e^t; \quad (8)$$

$$P_e^{eD} = P_e^t / A_t; \quad (9)$$

Маиший хизмат кўрсатиш қуйидаги кўриниш олади:

$$M_t^B = \varphi_1(t); \quad (10)$$

$$M_t^s = \varphi_2(t); \quad (11)$$

$$M_t^i = \varphi_3(A_t, t); \quad (12)$$

$$M^t = \sum_{i=1}^n M_i^t; \quad (13)$$

$$M_t^{SD} = M_i^t / A_t; \quad (14)$$

⁷Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 48-49 б.

$$M^t = M_e^t * I_i(t); \quad (15)$$

Қишлоқ турмуш фаровонлигига таъсир этувчи омиллардан бири электр энергия таъминоти ҳисобланади. Барча қишлоқлари, шунингдек, кўпгина шаҳарларда ҳам сезиларли даражада энергия ресурслари (газ ва электр энергия) тақчиллигига дуч келинмоқда, бундай ҳолат, айниқса, қиш ойларида хонадонларни иситиш борасида яққол сезилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида электр энергияси хизмати ҳам катта аҳамиятга эга, чунки электр энергиясисиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг кўпгина тармоқлар иш фаолиятида муайян қийинчиликликлар юзага келади. Жумладан:

- тез бузилувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сақлашда. Масалан, сут, гўшт, хўл мева, сабзавот, тухум ва бошқалар;
- давлат буюртмаларини қайта ишлаш;
- маҳсулот таннархи арзонлашади, натижада ўз харажатларини қопламайди;
- маҳсулот сифати тез бузилади;
- маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги камаяди;
- қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини оширишга муайян даражада таъсир қилади.

Жон бошига истеъмол қилинган электр энергиясининг кўрсатиш даражаси қуйидагича белгиланади:

$$\mathfrak{S}^e = \frac{I}{A}, \quad (16)$$

Бу ерда: I – истеъмол қилинган электр энергия. Истеъмол қилинган электр энергиясининг динамикаси қуйидагича белгиланади

$$\mathfrak{S}_t = \frac{I_{t-1}}{I_t} \quad (17)$$

бу ерда: I_{t-1} - истеъмол қилинган электр энергиясининг йил бошидаги қиймати I_t - жорий даврдаги қиймати.

Шунингдек, жон бошига истеъмол қилинган газнинг кўрсатиш даражаси қуйидагича белгиланади:

$$\mathfrak{S}^g = \frac{G}{A} \quad (18)$$

Бу ерда: G – истеъмол қилинган газ. Истеъмол қилинган газнинг динамикаси қуйидагича белгиланади:

$$\mathfrak{S}_t^g = \frac{G_{t-1}}{G_t} \quad (19)$$

бу ерда: G_{t-1} - истеъмол қилинган газнинг йил бошидаги қиймати, G_t - жорий даврдаги қиймати.

Бу борада қишлоқларда электр энергияси тақчиллигини пасайтириш учун тегишли услуб ва технологиялар (электр энергияни тежаш, ёқилғидан

унумли фойдаланиш, тикланадиган муқобил энергия турлари)ни жорий этиш ва намойиш қилиш мумкин. Жойларда ушбу услублар, технологияларни қўллаш ёки ишлаб чиқариш борасидаги салоҳиятни ошириб бориш йўли билан маҳаллий даражада ўзини ўзи етарли даражада таъминлашга ва кичик бизнесни ривожлантиришга эришиш мумкин бўлади.

Турмуш даражасини яхшилаш ва иқтисодий ривожланишга эришиш учун ичимлик суви, газ, электр энергияси, оқова сувлар ҳамда транспорт ва муниципал хизматлар билан таъминланиш даражасини яхшилаш мақсадида улкан инфратузилмани такомиллаштириш бўйича кенг миқёсли ишларни амалга ошириш ҳамда ерлар сифатини яхшилаш, уларнинг таназзулини тўхтатиш ва ортга қайтариш мақсадида ирригация ва дренаж тизимларини модернизация қилиш лозим. Шунингдек, донорлар кўмагида амалга оширилаётган кенг миқёсли инфратузилма лойиҳаларида ҳамжамиятлар иштирокини таъминлаш ва ушбу лойиҳалар доирасидаги паст малака талаб қилинадиган ишлар ҳамда вазифаларга маҳаллий фуқароларни жалб қилишдан иборат бўлган “мажбурий ижтимоий компонент”ни киритиш имкониятини ўрганиш зарур.

Аҳоли турмуш даражаси билан боғлиқ бўлган яна бир муҳим омиллар транспорт хизматидан фойдаланишни йўлга қўйишдир.

Қишлоқ хўжалиги катта майдонларга экинлар экиш асосида иш юритади. Бу ерларни қисқа вақт ичида экишга тайёрлаш, экиш, экин қатор ораларига ишлов бериш, қишлоқ хўжалиги экинлари касалликлари ва зараркунандаларига қарши кураш олиб бориш, ҳосилни ўриб-йиғиб олиш, тайёрлов пунктлари, омборларга ташиш ва бошқа қатор катта ҳажмдаги ишлар қўл кучи билан бажарилиши қийин. Бу ишларни бажариш учун хилма-хил қишлоқ хўжалиги машина ва техникаларидан фойдаланишни талаб этади. Уларнинг бир меъёрга ишлаши учун ишдан чиққан қисмлари ва эскирганларини янгилаш, ёнилғи-мойлаш материаллари ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, таъмирлаш каби хилма-хил хизматлар кўрсатиш заруриятини талаб қилади. Хизматларни амалга ошириш мақсадида машина-трактор парки, автосервис, хизмат кўрсатиш пунктлари, савдо, сервис марказлари ташкил этилмоқда.

Ушбу хизматлар кўламини аниқлаш учун қуйидаги формулалардан фойдаланиш мумкин:

$$\begin{aligned} TP_t &= \lambda_1(A, t); \\ TP_t^0 &= \lambda_2(TP_t, A, t); \end{aligned} \quad (20)$$

бу ерда: TP_t - t йилдаги кўрсатган транспорт хизмати, минг кишида;
 TP_t^0 - t йилдаги транспорт хизмати айланиши, км;
 Транспорт хизматини самарали ташкил этиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга етказиб бериш вақтини қисқартириш;
- маҳсулот сифати бузилишини кескин камайитириш;
- қишлоқ хўжалигида бажарилган тадбирларни ўз муддатида ва юқори даражада сифатли ўтказишга (минерал ўғит, уруғлик, озуқа ва

бошқалар) таъсир этиб, оқибатда ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдорини оширишга;

– қишлоқ хўжалигини халқ хўжалигининг бошқа соҳалари билан боғлаш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқариш каби қатор имкониятни беради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш инфратузилмаларида йўл хўжалиги ҳам катта аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг транспорт бўғини бевосита йўл хўжалиги ҳолатига боғлиқ. Йўл хизмати ҳолати бевосита транспорт хизмати даражасига ижобий ёки салбий таъсир этади.

Худуд йўл тизимининг талабга жавоб бермаслиги:

– транспорт воситалари умрини қисқартиришга, қисмларни муддатидан олдин ишдан чиқишига;

– юк ташиш харажатларининг ортишига, унинг самарадорлиги пасайишига, маҳсулот сифати бузилишига;

– юкларни белгиланган муддатда истеъмолчиларга етказиб бера олмаслиги каби салбий ҳолатларни келтириб чиқаради.

Йўл қишлоқ маданияти қай даражада эканлигини ўзида кўрсатувчи кўзгудир.

Моделни амалга оширишда маълумотлар билан ишлаш тизимини жорий қилишнинг биринчи босқичида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш зарурати яққол кўзга ташланади. Маълумотлар тўпламини бошқариш тизимининг архитектура-тузилиш механизми ҳозирги пайтда шу даражага етганки, у фойдаланувчи интерфейсини турли хил амалий дастур пакетлари ёрдамида амалга оширишга имкон яратади.

Тадқиқ этилаётган муаммо билан ишлашда кўпроқ Microsoft office Acces маълумотлар тўпламини бошқариш тизимидан фойдаланилди.

1-жадвал

Қашқадарё вилоятининг қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатишнинг имитацион прогнози (2010 йил нархлар ҳисобида, млрд.сўм/минг сўм)⁸

Кўрсаткичлар	Қишлоқ аҳолиси сони, минг киши	Пулик хизмат кўрсатиш/аҳоли жон бошига	Маиший хизмат кўрсатиш/аҳоли жон бошига	Тиббий хизмат кўрсатиш/аҳоли жон бошига	Транспорт хизмат кўрсатиш/аҳоли жон бошига	Коммунал хизмат кўрсатиш/аҳоли жон бошига
Йиллар						
2011	1511,3	245,0	31,5	44,2	1,6	4,5
		156,5	20,1	28,2	1,0	2,9
2012	1536,4	274,4	35,3	49,7	1,8	5,0
		172,4	22,2	31,2	1,1	3,1
2013	1561,6	307,3	39,6	55,8	2,0	5,5
		190,0	24,5	34,5	1,2	3,4
2014	1586,7	344,2	44,4	62,6	2,2	6,2
		209,4	27,0	38,1	1,3	3,7

⁸ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

2015	1611,8	385,5	49,9	70,3	2,5	6,8
		230,9	29,9	42,1	1,5	4,1
2016	1636,9	431,7	55,9	79,0	2,8	7,6
		254,6	13,6	46,6	1,6	4,5
2017	1662,1	483,5	62,8	88,7	3,1	8,5
		280,9	36,5	51,5	1,8	4,9
2018	1687,2	541,6	70,4	99,6	3,5	9,4
		309,9	40,3	57,0	2,0	5,4
2019	1712,4	606,5	79,0	111,9	3,9	10,5
		342,0	44,6	63,1	2,2	5,9
2020	1737,5	679,3	88,7	125,6	4,4	11,6
		377,5	49,3	69,8	2,4	6,5

Изоҳ: 3.11-жадвалнинг суратида қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш соҳасининг умумий ҳажми, маҳражиди қишлоқ аҳолиси жон бошига хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳажми.

Имитацион моделлар орқали прогноз қилганимизда қуйидагиларга самарадорликка эришдик: 1-жадвалда кўриб турганимиздек, Вилоятимиз қишлоқ аҳолисига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмини айнан мана шу кўрсаткичлар 2020 йилгача бўлган даврда пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмининг ўсиб боришини белгилаб беради. Пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми, 2010 йилдагига қараганда 2020 йилда деярли 3,1 баробар ошиши тахмин қилинган.

Маълумки, йилдан-йилга пуллик хизмат кўрсатиш корхоналари сони ва сифати ўсиб борди. Бу корхоналарнинг сони, кўлами ва тури, биринчи галда, маҳаллий шароитга, аҳоли сонига, таркиби, зичлиги ва харид қобилиятига, миграция жараёнларининг табиатига, қишлоқлар қурилишининг тузилиши ва ундаги транспорт тармоғига боғлиқ бўлади.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам пуллик хизмат кўрсатиш соҳаси каби ўсиб бораверади, натижада аҳоли бандлиги, даромади ошади, турмуш шароити янада ривожланиб боради. 2020 йилга келиб, 2010 йилга нисбатан 3,16 баробар ўсади.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳаси ҳажми йилдан-йилга ошиб боради, 2011 йилга келиб 2010 йилга нисбатан 1,1 баробарга, 2020 йилга келиб эса, 3,2 баробарга ошади, аҳолини касалланишдан олдин тиббий кўрикдан ўтиб туриш имкониятлари кенгаяди, амбулатория-поликлиника орқали тиббий ёрдам бериш ишлари, дорихоналар хизмати яхшиланади. Касалхонада ўринлар билан таъминланганлик даражаси ортади, соғлиқни сақлаш муассасалари зарур асбоб-ускуна, жиҳозлар билан янада яхшироқ таъминланади.

Турар-жой, коммунал хўжалиги соҳасида кўрсатиладиган хизматлар яхшиланиб, турар-жой қурилиш ҳажми кенгаяди, турар-жой биноларини қайта таъмирлаш ва аҳолининг яшаш шароитлари яхшиланади. Электр энергияси ва ичимлик суви билан таъминлаш доимий узлуксиз ҳолатда бўлади. Турар-жой, коммунал хўжалик соҳасида кўрсатиладиган хизматлар ҳажми 2020 йилга келиб, 2010 йилга нисбатан 2,9 баробар ўсади.

Транспортда йўловчиларни ташиш 2020 йилга келиб 2010 йилга

нисбатан 3,13 баробар ортади. Туманлар ичида ва туманлараро транспорт қатновлари кўпаяди. Автомобиль транспорти, темир йўл ва авиация ёрдамида йўловчилар ташиш ишлари янада ривожланади.

Аҳолининг ўсиш прогнозидан фойдаланиб, қуйидаги натижаларга эришдик: Вилоятимиз аҳолиси жон бошига ҳисоблаганда пуллик хизмат кўрсатиш соҳалари 2010 йилга нисбатан 2011 йил 1,1 баробарга, 2020 йилга келиб эса, 2,65 баробарга, маиший хизмат кўрсатиш соҳаси 2010 йилга нисбатан 2011 йил 1,1 баробарга, 2020 йилга келиб эса, 2,7 баробарга ошади.